## Пудрат шартномаси (Жорий таъмирлаб, фойдаланишга топшириш тугрисида)

2022 йил «30» ноябрь №112 Булокбоши тумани

Булокбоши туман Мактабгача таълим булими номидан харакатдаги Низоми асосида иш юритувчи бошлик Г.Нуриддинов бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи ва "**Мебел курулиш 1996" МЧЖ** , харакатдаги Низоми асосида иш юрутувчи М.Комилов иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи куйидагалар тўгрисида мазкур шартномани туздилар.

### I. Атамалар Шартномада куйидаги атамалар кулланилади:

- **"Ижро хужжатлари"**: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар, ишларини бажаришда кўлланилган хом ашёлар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисида далопатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар, оралик даврда кабул килиниши туғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови туғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар.

- **"Лойиха-смета хужжатлари"** (ЛСХ): иншоот курилиши учун лойихалаш институти томонидан тайёрланган ишлар хажми, мазмуни ва уларга кўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган хужжатлар туплами;

- **"курилиш майдони"**: шартнома доирасида, барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Иншоотнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади.

- **"Вактинчалик ишлар"**: Пудратчи -томонидан курилиш майдонида ўрнаталадиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай кўринишдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

- "Беркитилган ишлар" : - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- "Жорий молиялаштириш":- шартномада белгиланган ишлар кийматини, хакикатда бажарилган ишлар хажмидан келиб чиккан холда боскичма-боскич молиялаштирилиб бориш.

### II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи шартнома шартларига мувофик Булокбоши туман Мактабғача таълим булими карашли 5-МТМ хожатхонасини мукаммал таъмирлаш курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса, Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва курилиш буйича ажратилган маблаг Буюртмачининг хисоб ракамига келиб тушганидан сунг туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома буйича ишлар киймати

3.1. Шартноманинг умумий суммаси **89 500 000** (Саксон тўккиз миллион беш юз минг) сумни ташкил этади.

3.2. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:
курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда ;
иншоотнинг курилишини бир йилдан ортикка узайтирилганда ;
Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни шакллантириш, конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномалар битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-булимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади :
барча ишларни иншоот лойиха - смета хужжатларига мувофик, шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда, узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига шартларига мувофик топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш хом ашёлари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;
- курилиш майдони худудида ваютшчалик иншоотлар куриш;
- Буюртмачини ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;
- Узбекистан Республикаси Вазирлар Махкамасининг 20.12.1999 йил кунги 532-сонли карорига асосан, курилиш таваккалчиликларни сугурта килиш;
- иншоотни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда, курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инветарлар, курилиш хом-ашёлари, буюмлари, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;
- иншоотда хавфсизлик техникасини таъминлаш;
- курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;
- хисобот ойининг 27-28-кунидан кечикмаган холда Буюртмачига иншоотда хакикатда бажарилган ишлар хажми ва киймати буйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, хисобот хужжатларини (счет-фактура) такдим килиши, бунда хисобот хужжатларига бажарилган ишлар, кулланилган курилиш хом-ашёлари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошка керакли хужжатлар илова килиниши;

- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдик лойиха-смега хужжатлари буйича иш бажариладиган кисмларининг фотосуратларини Буюртмачига такдим килиш;

- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини курсатувчи фотосуратларни Буюртмачига такдим килиш. Шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларни уз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи шартнома буйича барча ишларни уз кучлари билан ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда иншоотнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда, шартномага мувофик, ишларни бажариш учун иншоотнинг лойиха-смета хужжатларини, ярокли булган курилиш майдонини крилиш иншоатида ишлар тугаллан-гунга кадар булган даврда, далолатнома билан Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура курилиш назоратини олиб бориш, Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- иншоот буйича маблаг ажратилганидан сунг Пудратчига аванс (Бунак) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- шартнома имзоланган кундан бошлаб, икки ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур ижро хужжатлари руйхатини такдим этиш;

- шартаомада назарда тутилган мажбуриятларини тулик хажмда бажариш мажбуриятини ошади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

6.1. Пудратчи биринчи бунак (аванс) тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Курилишнинг давом этиш вакти, ишлар бошланган кундан, этиборан 21 кунни ташкил этади.

6.3. Шартнома буйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб – китоблар

7.1. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун туловни Буюртмачи бюджет томонидан маблаг ажратилганидан сўнг амалга оширади.

7.2. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий кийматининг **30 % микдорида бунак (аванс) утказади. бу 26 850 000 (Йигирма олти миллион саккиз юз эллик минг)** сумни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига (бунак) аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади. (1 ва 2-иловалар).

7.3. Жорий молиялаштириш берилган бунак (аванс) маблагини хисобга олган холда, бажарилган ишлар сифати Буюртачи томонидан текширилганидан сунг иншотнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг **70 % доирасида амалга оширилади, бу 62 650 000 (Олтмиш икки миллион олти юз эллик минг)** сумни ташкил этади.

7.5. Пудратчи иншоот фойдаланишга топширилгунга кадар шаргнома буйича мулк хукукини узида саклаб колади. Иншоотнинг Буюртмачига топширгунга кадар тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

## VIII. Ишларни бажариш

8.1. Буюртмачи курилиш майдоиида уз вакили - Техник аудиторный тайинлайди, у Буюртмачи номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган хом ашё, асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигида текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилиши ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

8.3. Пудратчи техник аудитори ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни хал килиш буйича ўтказиладиган йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва шартноманинг 6 - булимида курсатилган муддатларни мувофиклаштирган уз режаси ва жадвалига биноан иншоотда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи иншоотда ишларни олиб боршп тартибини давлат архитеюура - курилиш назорат органларн шан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатбларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Курилиш мавдонидаумумий тартибни таьминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.7. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тутрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб шиш учун жой ажратиш туфисидаги хужжатларни беради.

8.8. Буюртмачи курилиш майдонини бериш туфисидаги длллшшма имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда, курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва иншоогаи привязка килиш учун Пудратчига пюдезм нукталари. уларнинг координаталари ва баландлик белгиларини такдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан иншоотнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик беогилари, улчамлари ва булиш укдарнинг мувофикдиги туфи жойлашганпиги учун жавоб беради.

8.10. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холдатегишли тузаташларни уз хисобкдаи киритади.

8.11. Пудратчи геодезия булиш ишларидаурнатиладиган координатлар ва балавдликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларини сакдайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани буйича Буюртмачига беради.

8.12. Курилиш майдонвда ишларни бажарнш даврцда коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш

нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.13. Пудратчи узи томонидан курилишда кулланиладиган курилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар, тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, ддалат стандартларига, техник шартларга мувофик булишини хамда уларнинг сифатини тасдикдовчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

8.14. Алохида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар таиёр булишига караб, уларни кабул килиш бошланишидан икки кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давлатархитектуракурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

8.15. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари хамда уларнинг «Давлатархитеюуракурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

8.16. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.17. Агар беркитиладиган ишлар Буюрмачининг тасдиғисиз бажарилган булса ёки у бу хабардор килинмаган булса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюрмачининг курсатмасига мувофик берктиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашган мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдигаи иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

8.18. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг суб пудрадчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбур.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

8.19. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан Йул участкалари ва йулакларини супуруб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чикариб ташлайди.

8.20. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллашунга кадар Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, хом ашёлар, асбоб-ускуналар берилиши, хичматлар курсатилиши санаси, ишлариинг кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, хом ашёларнинг уз вакгида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб колшилар, курилиш техникасиниг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

8.21. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатдан ёки Пудратчининг кайдларидан крникмаса, у хопда ишларни бажариш дафгаридауз фикриии баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тадбирлармни куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## IX. Ишларини куриклаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунга кадар ва курилиш тугалланган иншоот Буюртмачитомонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудидаги хом ашёпар, 'асбоб-ускуналар,курилиш техиикаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикцанишини таъминлайди.

9.2. Таъмирланган иншоот, шунингдек хом ашёлар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк иншоот кабул килибшингандан кейин сакпанишиучун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб булмайдиган куч (Форс-мажор) холатлари.

10.1. Шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиббулмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва бу холатлар шаршоманинг бажарилишига бевосита таъсир этсатомонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

Шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу хопатлар юзага келтирган вакгда мутаносиб равишда узайтарилади.

10.2. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатларк бир ойдан кўп вактга чузилса, у хрддаПудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

1 03 . Томонлар бир ой ичида келиша опмасалар, у ходда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хакли.

## XI. Курилиши тугалланган иншоотни кабул килиб олиш.

11.1. Курилиши тугалланган иншоотни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булганбелгиланган тартибга мувофик шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар, томонлар тарафидан бажзрилганданкейин, шунингдек курилиши тугаллаган ишиоотни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларигабиноан амалга оширилади.

11.2. Иишоотни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисидаги Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома билан мурожаат этади. Буюртмачи ёзма билдиришномани, олган кундан бошлаб ун кун мобайнида иншоотни кабул килиб олади.

11.3. Пудратчи таъмирланган иншоотни кабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин Буюртмачига мурожаат этади. Буюртмачи белгиланган тартибда икки нусха ижро хужжатларини Пудратчига беради.

11.4. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб иншот Буюртмачининг мулкига айла

## XII. Кафолатлар

12.1. Пудртчи:

- барча ишлар тулик хажмдава шартаома шаршарвда белгипанган муддатларда бажарилишиии;

- лойиха хужжяглари хамда курклиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик барча ишлар сифатли бяирилишини;

- узи томоидан курилиш учун кулланиладиган курилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, конструкция ва омиллар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини;

- ишларни кабул кшшш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактода бартараф килинишини;

- иншоатдан фойдаланилганда мухандислик тшимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиклигани кафолатпайди.

12.2. Иншоот ва унга кирадиган мухандислик тазимлари, асбоб-ускуналар, хом ашёлардан фойдаланиш ишларнинг кафолат муддати томоилар курилиши тугалланган иншоотни кабул килиб олиш туфисвдаги далопатномани имзолаган куцдан бошлаб ун икки ой этиб белгиланади.

12.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этнлгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томоиидан унинг уз хисобидан бартараф эпипади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама кушимча келишувида кайд зтилади.

12.4. Аникланган нуксон ва камчиликпар Пудратчи ва Буюртмачи уртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Пудратчи нуксон ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, Буюртмачи бу хакца далолатномага тегишли ёзувларни киригади.

## ХШ. Шартномани бекор килиш

13.1. Буюртмачи:

- шаршома кучга киргандан кейин курилишнияг бшшаниши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вакгга кечиктиршпшца;

- ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этипмаганда;
Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнингсифатн пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шаргноманинг бекор килинишини талаб кишш хукукига эга.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюрмачи томонидан бир ойдан оршк муддатта тухтатиб куйилгацда;

- Буюртаачи томонидан молиялашгириш шартпари бажарилмаганда:

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шаршоманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.3. Мазкур шартшманн бекор килишга карор килган томон иккинчи томонга ёзма билдиришнома билдиради.

13.4. Пудратчи Буюртмачи томонидан билдиришнома билдирилган кундан бошлаб 10 кун мудд: "жавоб йуллаши шарт. Акс холда Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор килиб, ишни бошка Пудрачи оркали давом эттириш хукукига эга

## XIV. Томонларнинг жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон.

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди.

- Узбекистон Республикаси Фукаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисидаги конуни ва бошка конун хужжатларида хамда шартномада назарда тугилган тартибда жавобгарликка тортилади.

14.2. Буюргмачи шартномавий мажбуриятини бузиб, уз вактида молияиггирмаганлиги учун Пудратчига тулов кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,2 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

14.3. Пудратчи иншоотни уз вактида Буюртаачига топшириш буйича шартномавий мажбуриятини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлариинг бажарилмаган кисмининг 0,5фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси шартнома кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.4. Пудратчи шартнома буйича ишларни тулик бажариб, аммо бажарилган ишларни Ишчи ва Давлат кабул комиссияси далолатномаси билан Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вактида бажармаса, утказиб юборилган хар бир кун учун, шартнома умумий кийматининг 0,01 фоизи микдорда пеня тулайди, аммо пенянинг умумий суммаси шартнома кийматанинг 15 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.5. Буюртмачи шартномада белгиланган пенм ва жарималарни, агардауларни ундириш холаш юзага келса, бажарштган ишлар хисобидан Пудраччига амалга оширилиши лшим булган туловлар хисобидан ушлаб кшш хукукига эга.

14.6. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, куршшш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса у холда Буюртмачи <<Давлатархиɪектуракурилишназорат>> инспекциясининг

хулосаси асосида иншоотда бажарилган ишларни кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 15 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

14.9. Муддат утказиб юборилгаилиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражасада бажарнгаиаганпиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Нюоларнн хал этнш тартиби.

15.1. Томонлар шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек етказилган зарарларни коплшщда пайдо буладиган ншоли масалаларни узаро хал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни узаро хал этолмасшт-ар, белгиланган тартибда хужалик суди томонидан куриб чикилади. Агар тарафлар уртасидаги нюо молнялаштириш буйича келиб чикса, ишга молиялаипирувчи органнингжалб эталиши таъминланади.

15.2. Пудратчи томонидан бажарипган ишлар буйича Буюртмачига республика ёки махаллий бюджег томонидан маблаг ажратилмаган ёки маблаг кечиккан такдирда Буюртмачи жавобгар хисобланмайди.

**XVI. Алохида шартлар**

16.1. Шартнома имзолангандан кейин шартномага тегишли булган томонлар уртасвдаги барча олдинги Ёзма ва опаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

16.2. Пудратчи курилиш иншоотга ёки унинг алохида кисмлариш тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташкари, бирои-бир учинчи томонга сошш ёки бериш хукукига эгаэмас.

16.3. Шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлашпфилган ва томонлар уларни имзолаган булса хакикий хжхзбланади.

16.4. Пудратчи ишлар якунпаиганидан кейин курилиш майдонцда узига тегишли мол-мулкни таддирса, у хрлда Буюргаачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун хак тулашни кечиктиришга хакли.

16.5. Шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кулланилади.

16.6. Томонларнинг юридик манзили, хизмат курсатаётган банкки ва бошка реквизитлари узгарса улар 3 кун муддат ичида бир-бирларига ёзма равишда билдиришлари шарт.

16.7. Шартнома бир хил юридик кучга эга булган 3 нусхада тузилди:

16.8. Шартнома томонлар имзо чекилиб тегишли Газначилик бўлинмасидан руйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабр кунига кадар амал килади.

## XVII Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллиари.

«БУЮРТМАЧИ»

Булокбоши туман Мактабгача таълим булими
Булокбоши туман Шохгузар кучаси
Марказий банк Тошкент шахар Бош бошкармаси
Х/р: 23402000300100001010 МФО: 00014
ИНН : 201122919
ШХВ: 100022860032107091100251023
ИНН: 305156799 ОКОНХ:90290
Булокбоши туман бўйича Газначилик булинмаси

Рахбар Г.Нуриддинов

м.ў

«ПУДРАТЧИ»

"Мебел курулиш 1996" МЧЖ
Манзили-Булокбоши туман
Банк номи "Микрокредит банк
Х/Р 20208000905204612001
МФО:00078
СТИР:307286217
ХХТУТ:______

Рахбар. М.Комилов

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

HV5621856106

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: "BULOQBOSHI TUMANI MAKTABGACHA TALIM BO'LIMI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 28.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buloqboshi tumani yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**SH.N.ABDURAXIMOV**

30.11.2022

«ТАСДИКЛАЙМАН"
Булокбоши тумани мактабгача таълим
булими бошлиги:
_______________ Г.Нуриддинов

Булокбоши туман 5-мактабгача таълим ташкилотида 8-уринли хожатхона куриш мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича эркин савдолар ўтказиш орқали етказиб берувчи ташкилотларни танлаш бўйича йиғилиш баённомасининг муҳокама натижалари буйича ҳисобот

2022 йил 23 Ноябрь Булоқбоши тумани

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари" тугрисидаги Конунига асосан Булокбоши туман 5-мактабгача таълим ташкилотида 8-уринли хожатхона куриш мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича эркин савдолар ўтказиш орқали етказиб берувчи ташкилотларни танлаш тўғрисидаги йиғилиш баённомасини мухокама натижалари хақида.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси Булокбоши туман мактабгача таълим булими бошлиғи Г.Нуриддинов сузи эшитилди. У ўз сузида Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржасининг "xarid.uzex.uz" ахборот порталидаги 2022 йил 11 ноябрь кунги № 22110012187082 лотга асосан 106,444,501.00 сумлик Булокбоши туман 5-мактабгача таълим ташкилотида 8-уринли хожатхона куриш мукаммал таъмирлаш ишлари хизматига буюртманома берилганлиги ва ушбу хизматларни бажарувчи 3 та хужалик юритувчи субьектдан таклифлар билдирилганлиги хамда 2022 йил 18 ноябрь кунги йиғилиш баённомасига асосан 89,500,000.00 сумга "Мебел курилиш 1996 " МЧЖ (ИНН: 307286217) танлов ғолиби расмийлаштирилганлиги тугрисида тўхталди.

Бахолаш комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржасининг "dxarid.uzex.uz" ахборот порталига жойланган 2022 йил 18 ноябрь кунги йиғилиш баённома натижалари юзасидан эътирозлар келиб тушмаганлиги боис эркин савдо шартлари ва бахолаш комиссияси аъзолари фикр мулохазаларини тахлил қилиб йиғилиш

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Булокбоши туман 5-мактабгача таълим ташкилотида 8-уринли хожатхона куриш мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича **89,500,000.00** сумга эркин савдо голиби топилган **"Мебел курилиш 1996 " МЧЖ (ИНН: 307286217)** билан 2 томонлама шартномалар тузилишини таъминлаш топширилсин ва харажатлар сметасида назарда тутилган маблағларни ўз вақтида тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш юклатилсин.
2. Мактабгача таълим булими Эксплутация булими бошлиги Б.Отабоевга Булокбоши туман 5-мактабгача таълим ташкилотида 8-уринли

хожатхона куриш мукаммал таъмирлаш ишлари муддатини ишлаб чиқиш ва молиялаштириш графигига асосан мониторинг ўтказишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилсин.

3. Эркин савдолар бўйича оферентни очиш ва ғолибни аниқлаш хақидаги йиғилиш баёни бахолаш комиссияси аъзолари томонидан очиқ хал қилинди ва тўғри тузилган деб тан олинди.

Бахолаш комиссияси хайъати :

Бош хисобчи: М.Болтабоев

Эксплутация булими бошлиги: Б.Отабоев

Хисобчи: М.Одилов

Хужалик мудири: Д.Хамрабоева

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Булоқбоши туман ҳокими
_____________ Ў.К.Мамуров
_____________ 2022 йил

Булоқбоши тумани ижтимоий соха муассасаларининг 2022 йилда қурилиш-таъмирлаш ишлари харажатлари бўйича шакллантирилган

## М А Н З И Л Л И  Д А С Т У Р

млн.сўмда

| № | Муассаса номи | Жами талаб этиладиган маблағ | Таъмирлаш учун талаб этиладиган маблағлар | | | | | | | | | | Молиялаш-тириш манбаси | шундан | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Шундан | | | | | | | | | | | | | |
| | | | Жорий таъмир | | Қўргон девори | | Эшик ва дераза ромларини таъмирлаш | | Иссиқлик тизимини таъмирлаш | | Мукаммал таъмир | | | Маҳаллий бюджет параметрида кўзда тутилган маблағ ҳисобидан | Туманда шаклланган қўшимча манбаа ҳисобидан | Вилоят бюджетидан |
| | | | сони | Суммаси | метр | Суммаси | сони | Суммаси | сони | Суммаси | сони | Суммаси | | | | |
| х | **Халқ таълими соҳаси жами** | ***1 068,1*** | ***3,0*** | ***480,1*** | ***112,0*** | ***100,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***1,0*** | ***115,0*** | ***1,0*** | ***373,0*** | ***1 068,1*** | ***1 068,1*** | ***0,0*** | ***0,0*** |
| 1 | 68-ИДУМ (21-мактаб) | **96,5** | 1,0 | 96,5 | | | | | | | | | **96,5** | 96,5 | | |
| 2 | 3-мактаб | **356,6** | 1,0 | 356,6 | | | | | | | | | **356,6** | 356,6 | | |
| 3 | 4-мактаб | **100,0** | | | 112,0 | 100,0 | | | | | | | **100,0** | 100,0 | | |
| 4 | 14-БМСМ | **115,0** | | | | | | | 1,0 | 115,0 | | | **115,0** | 115,0 | | |
| 5 | 55-идум (30-мактаб) | **373,0** | | | | | | | | | 1,0 | 373,0 | **373,0** | 373,0 | | |
| 6 | ХТБ (мактаблар) | **27,0** | 1,0 | 27,0 | | | | | | | | | **27,0** | 27,0 | | |
| х | **Мактабгача таълим соҳаси жами** | ***843,799*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***3,0*** | ***550,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***6,0*** | ***293,8*** | ***843,8*** | ***843,8*** | ***0,0*** | ***0,0*** |
| 1 | 16-МТТ | **250,0** | | | | | 1,0 | 250,0 | | | 1,0 | 110,0 | **360,0** | 360,0 | | |
| 2 | 15-МТТ | **200,0** | | | | | | | | | | | 0 | 0 | | |
| 3 | 5-МТТ | **50,0** | | | | | | | | | 1,0 | 110,0 | **110,0** | **110,0** | | |
| 4 | 8-МТТ | **150,0** | | | | | 1,0 | 100,0 | | | 1,0 | 50,0 | **150,0** | 150,0 | | |
| 5 | 25-МТТ | **50,0** | | | | | | | | | 1,0 | 50,0 | **50,0** | 50,0 | | |
| 6 | 7-МТТ | **50,0** | | | | | | | | | 1,0 | 50,0 | **50,0** | 50,0 | | |
| 7 | 14-МТТ | **50,0** | | | | | | | | | 1,0 | 50,0 | **50,0** | 50,0 | | |
| 8 | 11-МТТ | **43,8** | | | | | | | | | 1,0 | 43,8 | 43,8 | 43,8 | | |

| № | Муассаса номи | Таъмирлаш учун таълаб этиладиган маблағлар | | | | | | | | | | | Молиялаш-тириш манбаси | шундан | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами талаб этиладиган маблағ | Шундан | | | | | | | | | | | Маҳаллий бюджет параметрида кўзда тутилган маблағ ҳисобидан | Туманда шаклланган қўшимча манбаа ҳисобидан | Вилоят бюджетидан |
| | | | Жорий таъмир | | Қўрғон девори | | Эшик ва дераза ромларини таъмирлаш | | Иссиқлик тизимини таъмирлаш | | Иншоат (янги қурилиш) | | | | | |
| | | | сони | Суммаси | метр | Суммаси | сони | Суммаси | сони | Суммаси | сони | Суммаси | | | | |
| 8 | 11-МТТ | **43,8** | | | | | | | | | 1,0 | 43,8 | **43,8** | 43,8 | | |
| х | **Соғлиқни сақлаш сохаси жами** | ***211,6*** | ***2,0*** | ***211,6*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***0,0*** | ***211,6*** | ***211,6*** | ***0,0*** | ***0,0*** |
| 1 | ШТЁБ | **111,6** | 1,0 | 111,6 | | | | | | | | | **111,6** | 111,6 | | |
| 1 | СЭОМ | **100,0** | 1,0 | 100,0 | | | | | | | | | **100,0** | 100,0 | | |

Туман молия бўлими мудирив.в.б: Ў.Юсупов

Туман халқ таълими булими мудири: Д.Ахмедов

Туман мактабгача таълим булими мудири в.в.б: А.Айбешова

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Т.Давронов